


Тўкмокка келиб хар турли ташвишлар оркали бирор йил ўткарибэдим,шуорадаўнчоклишогирдлардинэргаштирган холда машхур Лўли кори лакабли Рўзи кори домла бизга мехмон бўлиб Андижондан келиб колди. Бу киши эса биз билан пир, бир устоз бўлганликдан энг хурматлик саналган азиз мехмонимиз эди. Имконият борича беш-ўн кунлик мехмоннавозлик хизматини бажо келтирдик. Карасам, бу ернинг об-хавоси мижозларига тўгри келиб колди. Асли максадлари эса Коракўл оркали Ёркентга, у ердан Гулжага ўтмакчи эканлар. Йўлбошчилари у томонлардан хабар келтиргунча шу ерда турмокчи бўлдилар. Дархол истакларича, Тўкмокдан ўн икки чакиримлик тог ичидаги Бектош ота мозорига чикариб кўйдим. Бектош ота хозирги тарихдан тўккиз юз йил аввал ўтган Туркистон хоконларидан Жамбулдаги Авлиё ота лакаблик Корахон подшох билан замондошдир. Бектош ота лакаблари бўлиб, номлари эса Абулазиз Бобдир. Туркистон бешиги ўгуз туркларининг хонбалиги”("Пойтахт (чиг.туркча).) ўрнидаги Боласогун шахри эса у кунлари ободон бўлиб, ўтрок туркларнинг илм-маданият маркази хисобланарди.
“Тарихи Рашидий” муаллифи Мавлоно Мирзо Хайдар Кўрагон, шу китобда Боласогундан ўз даврида хар турлик илм устида китоблар ёзувчи юзларча олимлар чикканлигини кўрсатади. Эски турк тилини сакловчи “Кутадгу билик” китобини ёзган Юсуф Хос Хожиб хам шу Боласогундандир. Бундан хам тонг колурлик иш шулким, араб тилининг энг биринчи лугат китобларидан саналган “Сихоху Жавхарий”нинг мусаннифи (ёзувчиси) Фороб туркларидан бўлгандек, уни арабчага таржима килувчи Жамол Чархий эса яна шу боласогунлик ўгуз туркларидандир. Бу китобни ёзгувчи Алихон Согуний эса шу тупрокда тугилиб, шу ерда униб ўсгандурман. Шунинг учун шеърият сўзларимдаги адабий шиорим(Бу ерда тахаллус маъносида.) Согуний бўлмишдур.

Бу кутлуг боликдан колган асарлар ўз харобаси остида кандай кўмилиб ётган бўлса, бунинг ўзи хам йўколмиш эди. Шундай бўлса хам бу тўгрида узун йиллар давомида тўплаган маълумотларимни бу китобим бошларида ёзиб колдирдим.
Энди мехмонларимиз бу мозорга чикарилгач, ихлослик мусулмонлар булар учун хар тўгрида ёрдамларини аяма-дилар. Бу орада ўттиз-кирк кун ўтгандан кейин буларни Гулжатомонга узатиб кўйдик. Шу кунлари эса дахрийлар даврининг бошлангич кунлари бўлганликдан уч харфлик (ГПУ) жаллодларнинг дахшатли харакатлари авж олмиш эди. Булар кетиб беш-ўн кун ўгар-ўтмас мени Пишпакка чакириб сўрокка олгандан сўнгра камокка буюрдилар. Кетганлар устидан неча кайта сўрок ўтказиб илиндира олмагач, уч ой чамали камокда ётиб, яна бўшаниб чикдим. Бу эса тўртинчи йўл камалишим эди.
Бу орада сафар-саёхатга кўнглим тушиб, Тўкмокдан икки юз эллик чакирим чамали шарк томонидаги Коракўл шахрига бормокчи бўлиб йўлга чикдим. Тўкмокда тургун отушлик Абдурахмон туячи сафар йўлдошим эди. Уйдан чиккач, орада бир кўниб Иссиккўлга етдик. У кунлари энг кўнгиллик манзарали кўлни бўйлаб юрганимизча Тўкмокдан чикиб, бешинчи кўналгада шахарда бўлдик. Коракўл шахрининг курилган жойи бек кўрклик, гўзал манзаралик. Бир ёги эса кўм-кўк шишадек кўкариб кўринган кўл кўлтиги. Иккинчи томони тўгри кўчалар бўлиб, чўзилганича бориб, ям-яшил карагайли тогга туташган эди. Биз борган кунларижавза (май) ойига тўгри келганликдан хаво очигида кўли кўкдай кўриниб, дала-туз, тог-тошлари ям-яшил бўлиб кўзга чорпинур эди.
Шахарга киргач, мархум отамиз кадрдонларидан отуш-лик Рўзи охун хожим уйига тушдик. Коракўл шахри эса неча томондан тарихий ахамиятга эга бўлган бир ер устига курилмишдир.
Биринчидан, бу жойларни бутун тарих китобларда Тур-кистон бешиги, турк отаси Ўгузхон пойтахти деб атайдилар.
Иккинчидан, Исломдан илгари маданиятлик ўтрок ўгуз турклари бўлмиш Эдикут элининг тубги ватанлари бўлиб, Боласогун эса турк хоконларининг пойтахти эди.
Учинчидан, Мовароуннахр (Турон) мамлакатларида мангуллар хокимияти Темур султон томонидан зарбага учрагач, Туглук Темурхон ўгли Илёсхўжа кўшинини Сохибкирон такамиш килиб юз минг аскар билан кетаётганида Иссиккўл бўйлаб Коракўл, Каркара, Такас, Кўксу, Огёз оркали ўтиб, энг Юлдузга тушмиш эди. У ердаги мангул колдиклари хам енгилгач, Илёсхўжа ўгли Ўглонхон аскари билан Олтой оркали Коракурум, Мангулияга кочмишдир. Булар ортидан Мирзо Улугбек бобоси Темур султон буйруги билан ўн минг отлик аскар олиб кувган бўлса хам, кочганларга етолмай, Иртиш сувидан ўтказа кувиб кайтмиш эди. Сўнгра Улугбекка етарли аскар кўшиб Муздовон оша Олтишахарга ўтиб, у ерлардаги мангуллар хокимиятини битиргач, Кошгар оркали Андижонга боришни буюрди. Ўзи бўлса, лов-лашкари билан голибият - зафар байрогини кўтарганича Юлдуздан кайтиб, Тойошув, Догут, Кунас оркали Туглук Темурхон пойтахти Олмаликка (хозирги Кўргос) кирди. Бу ердаги хон хазиналаридан колдикларини шипириб олгандан сўнгра хокон оиласига эга бўлиб, хон кизини ўз никохига олгач, мангуллар Амир Темурни “кўрагон” (куёв) деб атадилар. Ўз расмларича улуглаб, хон кизи тарогини - юз мангул, исиргасини яна юз мангул ол-тин кутига солишиб бошларига кўтаришганларича Самаркандга келдилар. Шулар уругидан торокчи, исиргали икки кабила ўзбеклашиб, Самарканд ва Шахрисабз атрофида хозирги кунга довур яшаб кел-мокдалар. Самарканд шахрига кираётганда киши кўзига йирокдан ялтираб кўринган тогдек кошинлик пешток Туглук Темурхон кизи - Темур султон хотини Бибихоним номига аталган мадраса харобасидур.

Темур султон шу сафарида мангулларга энг сўнгги как-шаткич зарба бериб, Турон - Туркистон элидан уларнинг хокимиятини туб-томири билан юлиб ташлади. Ва хам чингизийлар давлатининг сўнг хокони Туглук Темурхон хазинасини Олмаликдан Самаркандга келтирмиш эди. Булар ичида яшил тошдан ясалган бирови кўк кичикрок, иккинчиси ок тусли каттарок тахт тошлари хам бор эди. Самаркандда “Хитойдан келган кўктош” деган халкогзидаги сўз асли шундан чиккан бўлиши керак. Кўрганлардан эшитишимизча, бу тошларнинг тўрт пучмогида(Бурчак учи (чиг.туркча).) коса огзидек тўрт ўйиги бор экан. Туркистон халки бир кишини ўзларига хон кўтармокчи бўлсалар, расм-одатлари бўйича шу ўйикларга тилло тўлдириб кўядилар. Сўнгра юз киши сигиб ўлтиргудек катта бир ок кигиз устига хон бўлмиш кишини ўлтиргизиб, тўксон икки бовли (унвонли) ўзбек турк уругидан келган тўксон икки улус беклари кўтаришиб тахт тоши устига кўяр эканлар.
“Маданият” вахшийлари ватанимизга кадам кўймасдан илгари Турон ахлининг сайлаш усуллари шу асосга курилмиш эди. Бунга кўра бутун халк розилигини олиш бу ишда шарт килинганлиги билинади. Мана, хакикий сайлов шундай халк розилиги билан бўлиши керакдир. Йўк эса, ўзларини халк хукумати атаган “маданий” вахшийлар кўзбўёв, ёлгон сайловларни эллик йиллардан бери кино кўрсатгандек килиб ўтказмокдалар. Лекин когозни бир тешикдан олиб, иккинчисига ташлашдан бошкани хеч ким билмайди ва хам билиш хаккига эга эмас.
Яна ўз сўзимизга келайли. Шундай килиб Коракўл шахридабиройчамалитурдим.Буердагимусулмонларнинг кўпчилиги уйгурлар бўлиб, колганлари эса ўзбек, нўгай, дунган ва сарт калмок (мангул мусулмонлари) эдилар. Борган кунимдан бошлаб, халк кеча-кундуз демай боса бошлади. У кунлари мусулмонлар мени олдимга киришиб диний масалалар, ахлокий ваъз-насихат англашга ортик кизикар эдилар. Биринчи жума Нўгай катга масжидида, иккинчи жума Дунган жомеъида оят хадисл ардан маънил ар баён килиб, имон-ислом асосларин тушунтириб, дардлик кўнгилданчикканрухонийтаъсирликваъзларсўзлаганимда масжид тўла неча минглаган мусулмонлардан чиккан йиги-зори товушлари билан жомеъ ибнолари ларзага келмиш эди. Бу каби рухоний томонидан лаззатланиб, ботиний(Ички, калбдаги, кўнгилдаги (арабча).) сезгиларининг кўзгалиш хусусиятлари эрса кўпинча диний ваъз мажлисларидагина кўрилади.
Одам ўглининг яхшилари эрса фаришталардан хам ортикдир.(Бухорий, 10/4509 даги хадисдан мулхам ифодадир.) Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссалом бошлик ўтган барча яловчилар(Элчи (чнг.туркча).), пайгамбарлар бу сўзнинг чинлигига тануклик берадилар. Аларнинг ёвуз-ёмонлари эрса, йирткичларни йўлда колдириб, шайтонларни шар-манда киладилар. Шу кундаги (1967 йилда - ред.) Гарбий, Шаркий Туркистон боскинчиларининг килаётган жабр-зулмлари эса бунинг жонлик гувохидир. Хозирги бизнинг давримизда инсон яратилгандан бери икки Туркистон мусулмонлари учун бу каби зиёни туганмас, зарбаси узилмас узун офат, кизил бало хеч качон кўрилмагандир. Негаким, дунё борлигидан бери худосиз, динсизлар кўлига курол ўтиб, хокимият устига минмаган эдилар. Бу йирткичлар инсонларни ёлгизгина диний, ватаний, шахсий хукукларидан эмас, балки инсоний хукукларидан хам бутунлай ажратиб, хайвонлар каторида ишлатмокдалар. Тахминан минг тўккиз юз еттинчи-саккизинчи йиллари бўлса керак, дунёга танилган сиёсий арбоблардан бириси ўша замонда чиккан сиёсий фиркалар хакида ёзган бир китобида “Булар ичида коммунизм каби аклдан йирок, хаё-лии бир маслак ахли - коммунистлар хам бор”, демишдир. Мана шу хаёлий маслак

эгалари эллик йиллардан бери аклдан ташкари тузумларини курол кучи билан халк устида юргизиб турадилар.
Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломдан киёмат аломати сўралмиш эди. Анда: - Харомзоданинг ўгли харомзодалар хукумат эгаси бўлиб, халк устида зулм хукмини юргизади, - дедилар.(Бухорий, 15/7045 даги хадисдан мулхам ифодадир.)
Хозирда эса нак шу кунлар устида турамиз. Энди бу фиркадан кандай яхшилик умид бўлурким, буларнинг асосий тузумлари худосизлик, динсизликка, ўзларидан бошка хеч нарсага ишонмасликка курилмишдир. Чунки динсизлик хар бир ёмонликка йўл очади. Инсонни ин-сонлик сифатида тутиб турадиган, хар бир яхшиликка бошлайдиган нарса диндур.
Коракўл шахрида канча турган бўлсам, уйку вактларидан бошка чоглари келим-кетимдан бўшанолмадим. Шундай бўлса хам вакт топиб, машхур швед сайёхи Свен Хедин асари “Такла-макон ва хам Тебат” саёхатнома китобларини ўкиб чикиб, улардан кўп фойдаландим. Ўзгариш олдида талонга учраган Коракўл кутубхонаси татарча, усмонли туркча таржималик нодир асарлар кўплиги билан машхур эди. Инкилоб бошлангич даврида конунсиз кора куч, нодон одамлар хокимияти курилганликцан шахарлар ва бошка маданий асарлар кўплари гойиб бўлмишдир.
Ўрта аср вахшийлари - мангул аскарлари ўша вактда Ислом маркази Багдод шахрига босиб кирганларида уларча мол эмас, ўлжага арзимас некадар кимматбахо нафис нодир китоблар Дижла дарёсига ташланганликдан олти ойлаб дарё суви корайиб окканлиги тарихларда ёзилмишдур. Ундан хам жирканурлик иш эса йигирманчи аср “маданий” йиртқичлари - большевиклар хокимияти даврида хам турлик вахшиятларга йўл кўйил ганл икдан анчагина тарихий асарларимиз, халк кўлида сакланиб ётган не кимматбахо нодир кўлёзма китобларимизни ўз эгалари кўркканларидан ўтга ёндириб, сувга окизишга мажбур бўлмиш эдилар. Ёлгиз ўзимнинг Тўкмок, Сўкулукдаги бирор арава келгудек хар турлик китобларим эса шу кўмилганича чириб, ер остида колмишдир... Бу каби фожиалар ёлгиз чет ўлкалардагина эмас, балки хукумат маркази Петроград китобхоналарида хам бўлмиш эди. Шундокки, бутун Ислом олами кўз тиккан, минг уч юз йилдан ортик тарих шарафига эга бўлган “Масхафи Усмоний”, яъни хазрат Усмон устида шаходат топган Куръон эрса, шу кутубхонада сакланиб келганликдан оти мусулмон бир неча эсриклар(Маст (чиг.туркча).) томонидан анчагина варакдари олинмишдир. Татаристон мархум муфтий хазрати Ризо Фахрий бошлик Мусо хазрат ва бошка олимлар бу фожиадан хабар топгач, дархол бунинг чорасига киришиб, бу улуг тарихий Куръон шу кунга довур сакланиб колишига шулар сабабчи бўлдилар. Оллох уларни рахмат килсин! Хозирда эса бу Куръон Тошкент музейхонасида сакланиб, четдан келган саёхатчиларга, айникса, мусулмонлар учун, бек кизикарлик тарихий эсдалик хисобланади...
Шундай килиб, Коракўл шахрида бир ой-кирк кун чамали турганим сўнгида у ердан кайтиб Тўкмокка келдим эрса, мени кутиб тургандек яна бир зўр вокеа тугилмиш эди. Шундокки, хозирги кунларда Арабистонда туришган Олтинхон, Мубашширхонларнинг устози, эски Косон зодагонларидан, Фаргона вилоятларида обрўси ошган, атоги чиккан, замонига кўра улуг олимлардан саналган Носирхонтўра мархум коммунистларга карши кўзголон кўтармиш эди. Нима килишларини била олмай, сувга оккан кишидай хайронликда турган мусулмонлар ўз диний олимларини илохий кучдан холи бўлмасалар керак деб гумон килганликларидан мол-жонларини аямай бу кишига кўшилувчилар ўлка бўйлаб кўпаймиш эди. Бирок иш вактидан ўтган, не фурсатлар кўлдан кетган эди. Узок-якинлардаги большевикларга карши кўтарилган кўзголонлар бутунлай бостирилиб,

ишлари марказга богланиб, йўллари очилмиш эди.
Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломнинг “хар окил киши ўз замонасига тушунувчан бўлсин”,(Бухорий, 13/6095-6096 даги хадисдан мулхам ифодадир.) деган хикматли сўзларига амал килиш ва хам Пайгам-баримизнинг йигирма уч йиллик нубавва(Пайгамбарлик (арабча).) давридаги сиёсатлик, бутун умматларига улгу бўлгудек таржимаи холларидан хабардор бўлиш хаммадан кўпрок Ислом олимларига лозим эди. Замонавий сиёсат оламидан хабарсиз бўлганликдан бутун ишлари тескарисига айланди. Ёлгиз кўзголончилар эмас, шу бахонада ўзларига тўгри келмаган ёки кишига сўзи ўтарлик одамлардан Наманган, Косон атрофлари билан хеч жойда колдирмай, отиб-чопиб юриб ўлдирдилар. Колганлари бўлса, кўлга тушганлари каттик камокка ёки узок сургунларга юборилиб йўкотилди. Бечора мархум кочиб юрган еридан икки ўспирин ўгли билан ушланиб Тошкентга келтирилган, сўнггида энг каттик ерости коронгу уйда ётганлигини эшитган эдим. Кейин икки ўгли билан бирликда ўлим жазоси берилиб, дунёдан йўкотилмишдир. Агар шу киши ўрнида сиёсат оламидан хабардор, онглик бошка биров бўлганида ишни бошкача, ташкилий равишда олиб борарди. Бу кадар улуг кўзголон майдонида тўкилган ерлик халк конлари бекорга кетмас эди. Чунки, жанубий томондаги Афгон, Хиндистон чегараларини кўлга келтириб, у ёкдан ёрдам етказиш имконияти тугилмиш экан. Онгсизлик шумлигидан шу ишни бажара олмадилар. Бу харакат бошланиш олдида Киргизистон атрофларига ва бошка жойларга махсус кишилар юборилмиш экан. Худо саклаб, у кунлари меним Коракўлда бўлганим учун хеч ишдан хабарим йўк эди.
Шундай бўлса хам мен келиб, хафта ўтмай шу чогдаги вахшийлик одатларича тун ярми ширин уйкуда уч харф жаллодлари томдан тушиб, мени босдилар. Кеча коронгусида куроллик харбий кишиларга туюксиздан (Кутилмаганда, тўсатдан, билдирмай, бирданига (чиг. туркча).)
кўзлари тушиб кўркканликдан мўлдирашиб турган хотин, бо л алар холларини нима деб айтишга тўгри келади. Шунинг учун бу каби дахшатлик ишни кўрмаган кўп кишилар юрак ўйнок касалига йўликмиш эди. Сўнгра кўзга кўринган ёзув-чизувларни йигиштириб, мени хайдаганларича Фрунзега келтиргач, хеч нарса сўрамасдан ерости уйига киргизиб камаб кўйишди. Бу йўли ушланиб уч ой чамали ётганим ичида хар ёклама каттик текшириш ўтказган сўнггида бу ишдан меним хабарим йўклиги булар олдида аникланмиш эди. Шу бахона бўлди, хакикатда эса, гайбий куч ёрдами етди бўлгайким, бу каби дахшатлик камок балосидан кўп узокламай яна кутулиб чикдим.

Алихонтўра Согунийнинг
"Туркистон кайгуси" китобидан